

Икки қардош мамлакат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 16-17 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Қўрсарой қароргоҳида 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Туркменистон алоқалари тарихий қардошлик ва маданий яқинлик аънаоналарига суянган ҳолда шаклланган.

Икки халқ орасидаги қалб очқилғи ва ўзаро ҳурмат ҳар доим сезилиб туради. Бу, хусусан, давлатлараро сиёсатда, чегара ҳудудларидаги оддий одамларнинг кундалик мулоқотида, бир-бирини қўллаб-қувватлаш маданиятида яққол намоён бўлади.

Сўнгги йилларда ижобий динамика янада жонланди. Шунчаки рақамлар ёки

расмий кўрсаткичлар эмас икки мамлакатнинг манфаатлари муштараклиги ифода этилмоқда. Савдо айланмаси жадал ўсиши, қўшма лойиҳалар кўпайиши, транспорт ва логистика йўналишларининг фаол ривожланиши ўзаро ишонч ва очиқликнинг амалиётдаги аксидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари Марказий

Осиёда барқарорлик, яқинлик ва бирдамликни таъминловчи муҳим таянч нуқталардан бирига айланиб бормоқда.

Ушбу давлат ташрифи сўнгги йилларда намунали тус олган Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

Барча соҳаларда эришилаётган ижобий суръат ва фаол алоқалар мамнуният билан қайд этилди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши ййгилишлари, шунингдек, маданий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ташриф арасида Урганч ҳамда Тошкентда ўтказилган Туркменистон маданияти кунлари ва фильмлари намоишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми ошди. Юк ташиш ортиб бормоқда, жумладан, Туркманбоши портдан фойдаланиш фаоллашган.

Музокараларда ўзаро савдони кўпайтириш ва саноат, энергетика, транспорт, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида самарали кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Худудлараро алмашинувлари янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Хива шаҳрида учинчи Худудлар форумини ўтказишга келишиб олинди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга мولىк масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг музокаралари кенгайтирилган таркибда икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом этди.

Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси Туркменистон Президентининг давлат ташрифи икки халқ ўртасидаги кўп

асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамлигининг яққол тасдиғи эканини таъкидлади.

Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо, транспорт, энергетика, сув ҳўжалиги ва бошқа муҳим соҳаларда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берилди.

— Шубҳасиз, ушбу ютуқларда Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси, ҳурмати Гурбангули Бердимухамедовнинг улкан ҳиссаси бор, — деди Президентимиз.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки бараварга кўпайиб, 1 миллиард доллардан ошди. Маҳсулотлар турини кенгайтириш ва эркин савдо режимидан самарали фойдаланиш орқали бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

“Шовот-Тошховуз” чегараолди савдо зонасининг ишга туширилиши ҳам товар айирбошлашни кўпайтиришга хизмат қилади. Ушбу тажрибани бошқа манзилларда, биринчи навбатда, “Олот-Фараб” худудида қўллаш бўйича келишувга эришилди.

Саноат кооперациясини кенгайтириш мақсадида қурилиш материаллари, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа талаб юқори бўлган товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган янги лойиҳаларга бизнесни фаол жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика соҳасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Янада кенгрок лойиҳаларга ўтиш, шу жумладан, истиқболли конларни биргаликда ўзлаштиришга келишиб олинди.

Транспорт соҳаси икки мамлакат иқтисодиётларини боғлайдиган муҳим бўғин ҳисобланади. Юк ташиш ҳажми ўсиб бормоқда, божхона-логистика тартиблари

соддалаштирилмоқда. Томонлар Туркманбоши портини биргаликда ривожлантириш ва пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни қайта тиклашга келишиб олдилар.

Эришилган келишувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун йил охиригача Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги ййгилишлари ўтказилади.

Етакчилар гуманитар соҳа кўп қиррали алоқаларнинг мустаҳкам пойдевори эканлигига ургу бердилар.

Ҳамкорлик суръатини сақлаб қолиш учун томонлар ўзаро концертлар ва театрларнинг ижодий сафарларини мунтазам равишда ўтказиш, Хивада Ёшлар форумини ташкил этиш ва биргаликда фильмлар ишлаб чиқариш амалиётини давом эттиришга келишиб олдилар.

Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани борасидаги алмашинувлар фаоллашади.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари эришилган барча келишувларни амалга ошириш бўйича кенг қамровли “йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан масъулларга топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов “Шовот-Тошховуз” қўшма чегараолди савдо зонасини ишга тушириш маросимида иштирок етдилар.

Мазкур худудда дирекция, божхона, карантин, фитосанитария ва ветеринария хизматларининг маъмурий бинолари, савдо павильони ва омборлар жойлашган.

Бу ерда “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатилади, интерфаол тизимлар, банк, тиббиёт ва меҳмонхона хизматлари учун зарур инфратузилма, шунингдек, катта автотурагоҳ ҳам ташкил этилган.

Давоми 2-бетда

АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни пахтачиликда самарадорликни илғор тажриба ва технологиялар асосида ошириш, қишлоқ ҳўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Соҳанинг иқтисодиётдаги улуши 20 фоизни ташкил этмоқда, унда йилига 467 триллион сўмлик маҳсулот аратилмоқда, 3,5 миллион киши меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, янги ва қайта ишланган аграр маҳсулотлар умумий экспортнинг учдан бир қисмини таъминламоқда.

Тақдимотда пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Бунинг учун паст ҳосил олаётган фермерлар билан манзилли ишлаш, илғор агротехнологиялар ва озиқлантириш амалиётларини тўғри жорий этиш, агроном тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоралари белгилаб олинди.

Жумладан, пахтачиликда устоз-шоғирд аънаоналарини йўлга қўйиш орқали ҳосилдорликни 60 центнердан оширган илғор фермерларни 30 центнердан кам ҳосил олган фермерларга бириктириш таклиф қилинди.

Илғор фермерлар Қишлоқ ҳўжалиги малака ошириш институтида қайта тайёрланиб, уларга сертификат берилади. Паст ҳосил олган фермерларда ҳосилдорлик камида 50 центнердан ошса, уларга бириктирилган илғор фермерларга 5 миллион сўмдан мукофот пули тўланади.

Агрономларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Аграр университет ва соҳада агрономларни тайёрлайдиган бошқа олийгоҳлар битирувчилари учун икки йиллик “дуал таълим” механизми жорий этилади. Илғор кластер ва фермер ҳўжаликларида амалиёт ўтаган талабаларга стипендия, уларни ўқитган мутахассисларга эса рағбат пули тўланади.

Тақдимотда маҳаллий пахта навларини яратиш ишлари ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Юртимизда пахтачилик бўйича иккита ноёб илмий институт — Геномика ва биоин-

форматика маркази ва Пахтачилик институти борлиги, лекин уларнинг имконияти тўлиқ ишга солилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Навларни селекция қилиш асосида пахта уруғчилигини янада ривожлантириш мақсадида ушбу институтларда фитотрон ва репродукцион иссиқхона қуриб бериш топширилди. Натияжада янги маҳаллий нав яратишга керак бўлган вақт 2,5 баробар қисқаради, олимларнинг иши тезлашиб, импорт уруғга эҳтиёж қолмайди.

Ўзани плёнка остига экиш тажрибасини оммалаштириш режалари кўриб чиқилди.

Президентимиз соҳада агродронлардан фойдаланишни кенгайтириш, бу борада мутахассисларни тайёрлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Қишлоқ ҳўжалигига сунъий интеллект ва рақамли технологияларни жорий этиш масаласи ҳам кун тартибида бўлди. Ҳозирда Қишлоқ ҳўжалиги вазири ва хорижий компаниялар ҳамкорлигида бу борада кадрлар тайёрлаш ва илмий инфратузилма яратиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

2026 йилдан пахта-ғалла, мевалар ва дуккакли эканлар бўйича ҳосилни ихтиёр сўғурталаш тизимини йўлга қўйиш, сўғурта мукофотининг 50 фоизини бюджетдан қоплаб бериш таклиф қилинди.

Субсидиялар тизимини соддалаштириш мақсадида ҳозирда турли идоралар томонидан берилаётган 75 турдаги субсидияни ягона платформа орқали ажратиб борадиган Аграр соҳада тўлов агентлигини ташкил этиш ташаббуси билдирилди. Бу фермерлар учун ортиқча овозгарачилик ва бюрократияни кескин камайтиради.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

Кун мавзуси

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТОНГЛАРИ ОТДИ

Ассалом, энгилмас эл ўғлонлари, Оловли исёним — Билга хоқоним. Туноқуқ, Култегин — мард султонларим, Тарихга қилич-ла битик дostonим. “Тошкент кўрган”ларнинг туртинмас оти, Марказий Осиё тонгларини отди.

Чин дўстим қирғизим, қозоқ бовурум, Тоғжигим, туркменим жонга товурим. Жон озарбайжоним кўзимга нурум, Туганмас дostonим, шеърим, шуурум. Тошкент бу — дўстларнинг бахт мукофоти, Марказий Осиё тонгларини отди.

Ассалом, ёруғ юз мард сардорларим, Аҳдга содиқларим, гавҳардорларим. Алпомиш, Широқдан хабардорларим, Сиёвуш сиёқлим мадақдорларим. Тошкентда битилди ҳақиқат хати, Марказий Осиё тонгларини отди.

Бирлашдик, тоғу тош, чўллар очилди, Қўлни қўлга бердик, йўллар очилди. Музларни синдириб гуллар очилди, Юраклар сўзларди, диллар очилди. “Тошкент кўрган”ларнинг сўнмас шиддати, Марказий Осиё тонгларини отди.

Бирлашдик, аёзлар синдира олмас, Бирлашдик, хазонлар тиндира олмас. Бирлашдик, орага ёв кира олмас, Туташ томирларини сўғура олмас. Тошкент саммитининг қўшдир қаноти, Марказий Осиё тонгларини отди.

Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

Давоми 3-бетда

ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФЕНОМЕНИ

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Дунё микёсида геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар шиддат билан юз бераётган, турли таҳликалар кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир давлат барқарор ривожланишни таъминлаш учун ўзига хос йўл излаши табиий. Бу борада Ўзбекистон юритаётган ташқи сиёсат алоҳида эътиборга сазовор. Бу сиёсат прагматизм, очиқлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларига асосланган. Шу боис, кейинги йиллар юртимиз ташқи сиёсати учун самарали ва фаол кечяпти.

Президентимиз раислигида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашуви бунга яққол мисол. Зеро, бутун дунё жамоатчилиги эътиборини Тошкентга қаратган мазкур нуфузли мулоқотда минтақанинг янги тараққиёт даврига тамал тоши қўйилди, десак асло муволаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Бугунги кунда Марказий Осиё — бу барқарор ўсиш ва фазовонлик учун олдимизда янги имкониятлар очётган жадал тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконидир. Минтақамиз жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда: инвестициявий жозибадорлик ошмоқда, учинчи бозорларга экспорт имкониятлари кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсмокда”.

Нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тинчлиги, барқарор тараққиёти йўлида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси, Озарбайжонни ушбу форматга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўйиш каби тарихий қарорлар қабул қилинган мулоқот аҳамиятини алоҳида қайд этган ҳолда, ҳозир бошқа бир хусус — давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласи ҳақида фикр юритмоқчимиз. БМТ Бош котиби эътироф этганидек, бутун Марказий Осиё тажрибаси кўп минтақаларга намунадир, мақолада эса ана шу эътирофга сазовор бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Давоми 3-бетда

Икки қардош мамлакат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шерикликни мустақамлаш йўлида муҳим қадам

Бошланиши 1-бетда

Зона фаолияти умумий аҳолиси 3,5 миллиондан зиёд бўлган иккита муҳим ҳудуд — Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ва Туркменистоннинг Тошхувус вилояти ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденини топириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари нуфузли мукофотни топираар экан, ушбу қарор Туркменистон Президентининг икки қардош мамлакат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шерикликни мустақамлашдаги ютуқларига нисбатан Ўзбекистон халқининг самимий ҳурмати ва эътирофининг ифодаси эканини таъкидлади.

— Сиз отангиз, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг ишини муносиб давом эттирмакдасиз. Мамлакатингизда халқ фаровонлигини таъминлаш учун ишончли пойдевор яратган кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Жорий йилда Туркменистонда “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” ҳамда мамлакат Бетарафлигининг 30 йиллигига бағишланган йирик тадбирлар ўтказилмоқда.

Сердар Бердимухамедовнинг кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини кенгайтиришга қўшган ҳиссаси мамнуният билан қайд этилди. Бу, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва ҳамкорлик алоқаларининг ҳар томонлама ривож топаётганидир. Улкан лойиҳа — “Шовот-Тошхувус” чегараолди савдо зонаси ишга туширилди. Энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда.

Мазкур мукофот мустақам дўстлик ва яхши қўшничилик рамзига айланиши қайд этилди. Ўз навбатида, Туркменистон Президенти Ўзбекистон етакчиси ва халқига юксак эътироф учун миннатдорлик билдирди ҳамда икки мамлакат

ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашга интилиш қатъий эканини таъкидлади.

Самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Кўшма баёнот имзоладилар.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари ҳузурида қуйидаги икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди:

— Ўзбекистон — Туркменистон чегараолди савдо зонаси фаолияти тўғрисидаги шартнома;

— Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги битим;

— Фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги баённома;

— Халқаро автомобилда йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги баённома;

— Адлия вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Маданият соҳасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Нефть маҳсулотлари ва суюқ қимёвий юкларни ташиш учун темир йўл вагонларини етказиб бериш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

— Биологик хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Туркменистон Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро муносабатлар институти ўртасида Ўзбекистон — Туркменистон экспертлар кенгашини тузиш тўғрисидаги меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Туркменистон Давлат,

ҳуқуқ ва демократия институти ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

— Ўрмон хўжалиги соҳасида 2026-2030 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;

— Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан Лебап вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан Ахал вилояти ҳокимлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан Тошхувус вилояти ҳокимлиги ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Президентимиз ушбу тарихий давлат ташрифи қардош мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустақамлаб, уни янги марраларга олиб чиқишига ишонч билдирди.

Музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика ва маданий-гуманитар соҳаларда биргаликдаги ишларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Савдо-иқтисодий ва кооперация алоқаларини кенгайтириш муҳим йўналиш сифатида қайд этилди.

Бунда бутун ишга туширилган “Шовот-Тошхувус” чегараолди савдо зонаси алоҳида ўрин тутди. Томонлар ушбу тажрибани бошқа чегараолди ҳудудларда, энг аввало, “Олот-Фароб” ҳудудида қўллаш ниятида.

Минтақанинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини қўлайтириш мақсадида ҳукуматларга автомобиль, темир йўл ва денгиз орқали ташувларни ривожлантириш, Туркманбўши халқаро денгиз портидан биргаликда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш топирилди.

Энергетика масалаларида алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясининг етказиб берилиши ва транзити бўйича ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, икки мамлакат ҳудудида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида қатъий интилиш борлиги таъкидланди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳасида, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Яна бир устувор йўналиш — ҳудудлараро ҳамкорлик. Бухоро ва Туркманобод шаҳрларида ҳудудлар форумлари муваффақиятли ўтказилди. Яқинда Хивада икки мамлакатнинг барча вилоятлари иштирокида учинчи форум бўлиб ўтди.

Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари доирасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилди.

Куни кеча Тошкент шаҳрида ўтган еттинчи Маслаҳат учрашувининг якунлари минтақада интеграция жараёни ва бирдамликни мустақамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Яқунда ҳамкорликни жадал ривожлантириш, қардош мамлакатларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида улкан натижаларга эришишга ўзаро интилиш қатъий экани тасдиқланди.

Шу кунги Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларида алоҳида эътибор қаратилди. Она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган Мустақиллик монументи Туркменистон Президенти ва делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Ташриф тадбирлари якунлангач, Президент Шавкат Мирзиёев Президент Сердар Бердимухамедовни “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида кузатиб қўйди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎзА мухбирлари

Муносабат

АБАДИЙ ДЎСТЛИК ТАНТАНАСИ

Ғофир АЛИЕВ,
Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши раиси,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи

Кейинги йилларда Марказий Осиё давлатларининг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи ошди. Айниқса, Президентимизнинг бу борадаги меҳнатини алоҳида эътироф этиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ўлароқ дунёда мазмунан янгиланган “Янги Марказий Осиё” тушунчаси пайдо бўлди. Минтақа кун сайин сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан улуғвор қиёфа касб этяпти.

Халқимизнинг азалдан қўшни билан бамаслаҳат иш қўриш одати бор. Битта қўчат экса ҳам қўшнисидан сўрайди, сояси тушса, малол келмасин, дейди. Худди шунингдек, янги Ўзбекистондаги ташқи сиёсат ҳам ўзаро ҳурмат, бағрикенглик таъминиларига таянади. Шу бонс, Марказий Осиё давлатлари орасида йиллар давомида тўпланиб қолган ўнлаб ўткир масалалар қисқа муддатда ҳал этилди. Бу жараёни кузатиб турган етакчи сиёсатчилар ҳам бизга ҳавас билан қарамоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи маслаҳат учрашуви қардош халқларни янада жиғлаштирди. Уларни янги марралар сари руҳлантирди.

Қардош халқлар учун тарихий кунга айланган ушбу учрашув мазмунан янги-ча формат ва руҳда бўлиб ўтди. Айниқса, Озарбайжон Республикасининг маслаҳат учрашувлари форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши мулоқотнинг аҳамиятини янада оширди. Қардош Озарбайжоннинг қўшилиши маслаҳат учрашувларининг шиддат билан ривожланиши ва савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар қабул қилиш учун янги уфқларни очди. Бу эса минтақанинг ҳар томонлама тараққий этиши йўлидаги муҳим қадамдир.

Марказий Осиё барқарор ва жадал ривожланаётган, аҳолисининг фаровон яшаши учун янги имкониятлар очётган минтақага айланди. Айниқса, савдо ва иқтисодий масалаларда ўрнатилган ишончли ҳамкорлик бонс, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо қиймати 10,7 миллиард АҚШ долларига етгани тарихий

янгилек бўлди. Ёки минтақамизга кири-тилган инвестициялар умумий ҳажми 17 фоиз кўпайгани тараққиётнинг муҳим омилли сифатида эътироф этилмоқда.

Учрашувда минтақа давлатларини янада ривожлантириш бўйича ўта муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар илгари сурилди. Президентимизнинг халқ дипломатияси соҳасидаги қадрият ва аъналаримизга таянган ҳолда бой ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга жамоат арбобларидан иборат Оқсоқоллар кенгашини тузиш таклифини қўшниларимиз ҳам мамнуният билан қабул қилганига ишончим комил. Чунки тили, дини, қадриятлари муштарак бу халқлар ҳар қандай эзгу ишни бошлашдан аввал, албатта, оқсоқоллар, ёши улуг кишилар билан маслаҳатлашади.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, маъмурий тўсиқларга барҳам бериш, солиқ ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш каби ташаббуслар илгари сурилди. Шунинг ўзиёқ қўшни давлатларнинг бир-бирига ишончи ортиб бораётганини кўрсатади. Бундай муносабат содда, самимий халқларимизнинг турмуш тарзига ўхшайди. Қўпчина маҳаллаларимиздаги дарвозалар кўлф кўрмайди. Қўшнлар уй эгаси йўқ пайтда ҳам кетмону арасини олиб бемалол ишлатаверади. Тағин уй эгаси келганида қайтариб беради. Савдо йўлларининг очилиши, умумий савдо марказларига асос солиниши дунё дипломатиясидаги худди шу ҳолатга ўхшайди. Қувонарлиқ, бутун Марказий Осиё халқларини ана шундай шарқона самимият ва дўстлик бирлаштирмоқда.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинган кун

САФО ЭТГУВЧИ БАЙРОҒИМ

Менинг бошимда озодликни жо этгувчи байроғим,
Отанинг кафтидек титраб дуо этгувчи байроғим.

Асрлар ичди қонимни, адолат олди ёнимни,
Суюк давру замонимни, зиё этгувчи байроғим.

Юрак қувнаб қанот қоққай, Ҳилол ороланиб боққай,
Севиб қалбимга ўт ёққай, Ҳумо этгувчи байроғим.

Сочилгай тунда юлдузлар, юракка отса илдизлар,
Изимдан эзгулик излар, баҳо этгувчи байроғим.

Суянсам тоғ бўлиб тургай, димоғим чоғ бўлиб тургай,
Мислсиз бог бўлиб тургай, вафо этгувчи байроғим.

Ярашгай кўкда парвози, анинг осуда овози,
Ватанинг янтраган сози, сафо этгувчи байроғим.

Дедим: Ахтамқули, уйғон, берилган сенга бор имкон,
Жаҳонда янги бир дoston, ато этгувчи байроғим.

АХТАМҚУЛИ

Бугуннинг гапи

ҚўШНИЧИЛИК — ХАВФ ЭМАС, ИМКОНИЯТ

Ўктамжон ОХУНОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Андижон вилояти бўлими раиси

Одамзод жисмоний ва рухий қувват, жамиятнинг жижимой-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб ўз имкониятини баҳолайди, шунга кўра мўлжал олади. Яъни бирор мақсадни кўзлайди. Табиийки, вақт ўтиши билан юқорида санаб ўтилган омиллар ўзгариши ҳисобига мўлжалимиз бошқа йўсин олиши мумкин. Лекин шундай эзгу орзу-мақсадлар борки, асло ўзгармайди.

Президентимиз раислигида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг жорий йил 16 ноябрь кунли бўлиб ўтган еттинчи Маслаҳат учрашувини кузата туриб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Нега, ниманинг ҳисобига? Гап шундаки, биз тенги авлод умумий орзу-мақсадлар нуктаи назаридан тўртта даврни кўрдик. Биринчиси, болалигимизда кечган Иккинчи жаҳон урушидан кейинги очарчилик йиллари, иккинчиси, ундан кейинги мустақилликкача бўлган давр. Учинчи ва тўртинчиси истиқлолимизнинг 2016 йилгача кечган йиллари ва ҳозирги янги Ўзбекистон даври.

Учрашувни диққат билан кузатиб, тарихий жараёни тафаккурим доирасида таҳлил қилар эканман, ўз-ўзидан ўша даврлар, суронли йилларнинг “иссиқ-совуғи”, истиқлол қувончи кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлайди. 70 йил нари-берисига доир хотиралар, юрагим қатига ўлмас орзу — минтақамизнинг бугунги тинчлиги, ўзаро қондош ва биродар халқларимизнинг ҳамжиҳатлиги, бирдамлигини кўриб, кўнглим таскин топади. Ахир бу кунни, бугунги янги Марказий Осиёни жуда кўп кутдик.

Марказий Осиёнинг сифат жиҳатидан янги, минтақавий ҳамкорлик форматига ўтишни белгилаб берган тарихий воқеалик, деб фахр билан айтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган эди. Қисқа вақт

Дастлабки икки даврда юртимиз мустақиллигини орзу қилган бўлсак, истиқлолнинг муайян даврида дини, тили, урф-одат ва қадриятлари бир халқларимиз ўртасига қўйилган суний тўсиқдан азият чекдик. Нафақат инсонлар, балки минтақа давлатлари иқтисодиёти ҳам бундан катта зарар кўрди. Шу маънода, мазкур саммитни

Марказий Осиёнинг сифат жиҳатидан янги, минтақавий ҳамкорлик форматига ўтишни белгилаб берган тарихий воқеалик, деб фахр билан айтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган эди. Қисқа вақт

Энг асосийси, ўзаро келишмовчиликлар бартараф этилиши Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Агар бунини рақамларда кўрадиган бўлсак, сўнгги саккиз йил давомида минтақа давлатларининг ялпи ички маҳсулоти 2,5 баробар ўсди. Шу билан бирга, ташқи савдо ҳажми ҳам ошди.

Кўриниб турибдики, Тошкент мулоқоти нафақат барқарорликни сақлаб қолади, балки уни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Шундай экан, бу учрашув халқларимиз фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, мақолада стратегик қараш, тарихий реализм ва ишонч, ўзаро ҳурмат ҳамда прагматизмга асосланган замонавий сиёсий маданият уйғунлиги намоён бўлади. Марказий Осиё том маънода барқарор ривожланиш, минтақавий жиқлашув ва халқаро субъектликнинг янги даврига қадам қўйди. Минтақа давлатлари ўз таъминот занжирлари — саноат зоналари, қўшма ГЭС ва энергетика тизимлари, транспорт йўлаклари ва логистика кластерларини шакллантирмоқда. Трансафгон темир йўли, Шимол — Жануб ва Ўрта йўлаклари, саноат кооперацияси бўйича халқаро марказлар ташкил этиш, чегара тартиб-таомилларини соддалаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Минтақамизда шаклланиб бораётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити, тобора жиқлашиб, бирлашаётганимиз ҳодисаси, мақолада қайд этилганидек, “Бў — ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас, балки умумий тақдир ва биргаликда та-

савдо оқимларини рақамлаштириш ва Европа ҳамда Ҳинд — Тинч океани минтақаси билан тўғридан тўғри боғланиш учун ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўрта йўлак аллақачон оддий савдо йўналиши бўлишдан тўхтаган — у суверенитет йўлагига, ўрта давлатлар инфра-тузилмини стратегик восита сифатида қандай ишлатиши мумкинлиги рамзига айланмоқда. Бу ҳайратланарли трансформация кўп томонламаликнинг кенгроқ эволюциясини акс эттиради.

Минтақани турли мамлакатлар билан боғловчи кўплаб ҳамкорлик форматлари, масалан, “С5+1” туфайли минтақа давлатлари аънавий кўп томонламаликдан фойдаланиш имконини берувчи ноёб ўзаро алоқа механизmlарини яратди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзолик Марказий Осиёни маданий дипломатия ва савдо орқали Ўрта ва Ҳинд бўғлига, Бошқа платформалар эса, аксинча, минтақанинг Хитой ва Россия билан алоқаларини мустаҳкамлайди. Масалан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақанинг Глобал жануб билан алоқаларини мустаҳкамлайди. Аниқроқ айтсак, Марказий Осиё Шарқ ва Ўрта, Шимол ва Жанубни бир-бири билан боғлайдиган дарвозага айланди.

Биз стратегик вояга етиш даврига кириб бормоқдамиз, бунда куч тармоқлар, ҳамкорликлар ва сиёсий ишонч орқали шаклланди. Бу Марказий Осиё мамлакатларини келажакдаги жаҳон тартибининг асосий элементларига айлантиради.

Мақолада муҳим фактлар батафсил акс эттирилган: минтақа илк бор ташқи кучлар томонидан ягона сиёсий субъект сифатида қабул қилина бошланди. Ўндан ортқ платформа мавжуд, улар давлат раҳбарлари, ҳукуматлараро механизмлар ва аниқ тармоқ лойиҳалари даражасига кўтарилган. Бу Марказий Осиёнинг мустақил геосиёсий марказ сифатида эътироф этилишини аниқлатади. Президентимизнинг мақолада келтирилган стратегик аҳамиятга эга ғоялари Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий миллий суверенитетни мустаҳкамлайди, мамлакатларнинг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлайди, энергетика ҳамда сув соҳасидаги қўшма



раққий этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчилигининг аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир. Айни пайтда бу жараён ўзаро ишонч муҳитида тобора қизиган тус олаётгани Марказий Осиё мамлакатлари халқлари томонидан қўллаб-қувватланаётган минтақавий ҳамкорлик кенг қўламдаги заруратга айланиб бораётганлигини аниқлайди.

Энди Марказий Осиё Каспий ва Қора денгизларни боғлаб, Евроосиёнинг қоқ марказида жойлашган энергия ва транспорт нуқтасига айланмоқда. Ўрта йўлак орқали жаҳон бозорларига тўғридан тўғри кириш имкониятига эга бўлган минтақа иқтисодиётлари мустақил равишда таъминот занжирлари ва янги иқтисодий реалликни шакллантирмоқда. Ҳа, улар йирик акторлар билан ишбилармонлик алоқаларини давом эттирмоқда, аммо энди ўз шартлари асосида.

Марказий Осиё давлатлари Кавказорти мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, Европа ва Туркия билан боғланиш имкониятларини мувофиқлаштириш, портларни ривожлантириш,


лойиҳаларни амалга ошириш, ёшлар учун илм-фан ва таълим интеграциясини йўлга қўйишга замин бўлади.

Айниқса, ташқи сиёсатдаги изчиллик, ҳар қандай шароитда давлат манфаатини ҳимоя қилиш стратегияси, очиклик туфайли амалий жиҳатдан халқаро аҳамиятга эга натижаларга эришилди. Дунёнинг барча давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли муносабат давом эттирилди. Ташқи сиёсий кун тартибидagi барча тенденцияларни мохирлик билан англаш ва миллий манфаатни ҳисобга олиш асосида, аввало, янги минтақавий дипломатия Ўзбекистоннинг қиёфасига айланди.

Ҳозирги замонда глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда, халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати шаклланимоқда.



Бугунги кунда “Янги Марказий Осиё” концепцияси реал воқеликка айланмоқда, минтақада ягона транспорт-логистика макони шаклланимоқда.



Президентимиз ташаббуси билан янги минтақавий ўзига хослик шаклланимоқда. Марказий Осиё минтақаси тинчлик ва фаровонликнинг янги даври остонасида турибди. Ўзбекистоннинг бу жараёндаги ролини бутун дунё диққат билан кузатмоқда.

Шу билан бирга, янги таҳликалар ҳам пайдо бўлмоқдаки, айни ҳолат дунё давлатларини юзага келаётган муаммоларга муносив ечим топиш, сиёсий ва иқтисодий стратегияларини янгилашга мажбур этипти.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон Президенти ташқи сиёсатда прагматизм фалсафасига асосланган энг мақбул йўлни давом эттирмоқда, бунда асосий мақсад кескинлашувларнинг олдини олиш, барқарорликни таъминлашга ҳисса қўйиш ва ўзаро манфаатли муносабатлар форматини топишдир. Шубҳасиз, бу масалалар Ўзбекистон ташқи дипломатияси кун тартибидан доимо долзарб.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли минтақа давлатлари билан дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди. Жаҳон сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” ва “Марказий Осиё қиёфаси” каби тушунча ҳамда воқеликлар пайдо бўлди. Минтақада ишонч ва шерикликнинг янги даражасига эришилгани жадал ўзгаришларга бўлишчи суръат бағишлади. Жорий йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегаралари туташган нуқтада “Дўстлик” стеласи ўрнатилгани тобора мустаҳкамланиб бораётган яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг яна бир тасдиғи бўлди.

Бугунги кунда “Янги Марказий Осиё” концепцияси реал воқеликка айланмоқда, минтақада ягона транспорт-логистика макони шаклланимоқда. Минтақамиз жадал ривожланиб, иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаоллик маркази сифатида намоён бўлмоқда. Марказий Осиё оламшумул тарихий имкониятлардан фойдаланиб, яхши қўшничилик ва хавфсизлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айланмоқда. Марказий Осиёни Шарқ ва Ўрта, Шимол ва Жануб ўртасидаги тўлақонли транзит хабиға айлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми 4,5 баробар, инвестициялар эса икки баробар кўпайди. Қўшма корхоналар сони беш баробар ортди.

Жорий йилда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланди. Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Туркия транспорт йўлагига орқали юк ташиш ҳажми сезиларли даражада ошди. Фаол ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон халқаро сиёсатнинг марказларидан бирига ва глобал ғоялар ташаббускорига айланмоқда.

2016 йилда Президентимиз давлат бошқарувида келганидан сўнг Ўзбекистон ташқи сиёсатида мислсиз фаоллик, ўзгаришлар даври бошланди, десак муболага эмас. Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсатни фаоллаштириш учун йўналиш сифатида Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини шакллантиришни устувор вазифа этиб белгиланди. Эндиликда нисбатан қисқа давр ичида бу йўлда амалга оширилган ишларни халқаро ҳамжамият ҳам тан олапти.

Кенгроқ нуқтаи назардан қараганда, энг муҳим ижобий натижа шундан иборатки, бешта давлат халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида пайдо бўлиб, чексиз урушлар гирдобига қўлиб кетишдан қочди. 1990-йиллар бошида айрим танқидчи экспертлар томонидан Марказий Осиёнинг “болқонлашуви” ва “афғонлашуви” ҳақида айтилган даҳшатли прогнозлар амалга ошмади.

Бундан саккиз йил олдин ҳам чегараларимиз деярли тўлиқ ёпилган, чегара ҳудудларидаги можаролар ва миналанган далалар, транспорт қамаллари ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларимизга соя соларди. Сув ресурслари, яйловлар ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича тинимсиз тортишувларнинг оқиқ қарама-қаршиликка айланиб кетиш хавфи ҳам юзга келганди.

Ўзбекистон етакчилигининг сиёсий иродаси билан минтақада ҳамжиҳатлик руҳи пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги яхлит Ташқи сиёсат доктринасида Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши этиб белгиланди. Қўшнилар билан ҳеч қандай муаммо бўлмастлигига эришиш энг муҳим мақсад қилиб қўйилди. Ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўймаслик, очиклик, прагматизм ва конструктивлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари минтақавий сиёсатнинг концептуал асосига айланди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида сўнгги саккиз йил ичида Марказий Осиё мамлакатларининг жами ялпи ички маҳсулоти 2,5 баробар ошиб, 520 миллиард долларга етди, ташқи савдо эса икки баробардан кўпроқ ўсди, 253 миллиард долларни ташкил қилди. Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлар билан савдо ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан

Мазкур ташаббуслар ҳисобига янги минтақавий ўзига хослик шаклланимоқда. Марказий Осиёнинг халқаро ҳуқуқий мақоми ва унинг ягона минтақа сифатида эътироф этилиши ўндан ортқ давлат ва бирлашмалар иштирокидаги “Марказий Осиё +” мулоқоти билан тасдиқланимоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлат раҳбарлари иштирокида маслаҳатлашув кенгаши ташкил этилиши муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу орқали етакчилар бевоҳита минтақада иқтисодиёт, давлат чегараларини аниқлаш, хавфсизлик чоралари, озиқ-овқат хавфсизлиги, миграция каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳал қилинмай келаётган муаммоларни ечишга йўл очилди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида намоён бўлаётган кўп қиррали фаолият, шу жумладан, турли давлатлар, хорижий ва минтақаий ташкилотлар билан ўрнатилаётган дипломатик муносабат, минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалалар бўйича илгари



2024 йилга келиб 7,2 миллиард долларгача, бошқача айтганда, уч баробар ошди, қўшма корхоналар сони эса 1800 тадан ортди.

Марказий Осиёнинг йиллик ўртача 6 фоиз атрофидаги саноат ўсиши дунёдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар юқори. Минтақа ичидаги туризм ҳозир умумий сайёҳлар оқимининг 80 фоиздан кўпини ташкил қилмоқда. “Boston Consulting Group” башоратига кўра, 2030 йилгача Марказий Осиё 170 миллиард долларлик инвестиция жалб қила олади. Шунинг 40-70 миллиард долларни хомашё бўлмаган соҳаларга йўналтирилади.

Оддий инсонлар ўртасидаги алоқалар ва гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланимоқда. Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва Минтақавий ёшлар платформаси ишга туширилди. 2022 йилдан бошлаб ректорлар ва олимлар форумлари, маданият йиллари, кўргазмалар, концертлар ва спорт тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

сурилаётган ташаббуслар, олиб борилаётган мулоқотлар, биринчи навбатда, халқимиз тинч, хавфсиз яшаш, эркин фаолият юритиш, замонавий билим олиши, янги касбларни эгаллаши, тадбиркорлик билан шугулланиши учун барча шарт-шароитни яратиш, одамлар муҳофазасини давлат томонидан таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги саккиз йил Ўзбекистон ташаббуси асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 10 дан зиёд жумладан, жорий йил 4 та махсус резолюция қабул қилинди.

Президентимиз мақоласида ёдга олинган яна бир масалага тўхталиш жоиз. Давлатимиз раҳбари сиёсий иродаси билан Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон каби қардош мамлакатлар билан бир қаторда халқаро ҳамжамият томонидан доим хавф-хатар ўчоғи сифатида кўриб келинган қўшни Афғонистон билан муносабат фаоллашди. Ушбу давлатда тинчлик ўрнатиш, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигини

таъминлаш республикаимиз раҳбарияти томонидан юририлаётган прагматик ташқи сиёсатнинг ижобий натижаси экани бутунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф қилинмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари, жумладан, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Венгрия, Япония, Ҳиндистон, араб мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарди.

Марказий Осиё давлатлари ва халқаро манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап кетганида, “С5+1” форматининг аҳамияти ортиб бораётганини қайд этиш жоиз. У минтақавий бўлмаган иштирокчиларни ҳамкорликка жалб қилгани нуқтаи назаридан муваффақиятли ташаббустга айланди.

Ушбу стратегик ёндашув минтақанинг сиёсий маъқеи, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ёрдам беради ва шу орқали унинг кенгроқ Евроосиё контекстида ўзига хос қийматини оширади. Дунё билан ҳамкорликда кўп қўбли ва мувозанатли ёндашув Марказий Осиё учун устувор вазифа бўлиб қолади.

“С5+1” формати минтақа давлатлари ва уларнинг хорижий ҳамкорлари ўртасидаги мунтазам мулоқотнинг муваффақиятли ва долзарб механизми эканини исботлади. Шундай қилиб, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда минтақамиз учун Россия, Хитой, АҚШ, Ўрта ва Осиё давлатлари билан муносабатларда мувозанатни сақлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Мақолада ҳозирги ривожланиш босқичида минтақа давлатлари олдида турган, унинг барқарорлиги ва ривожланиш суръатларига тааллуқли масалалар ҳам қамраб олинган. Хусусан, ички савдонинг ривожлантириш, чегарадан ўтиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва ўзаро инвестициялар учун қўлай шароитлар яратиш Марказий Осиёда иқтисодий ўсишнинг асосий вазифаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий соҳада саноат ҳамкорлигини фаол ривожлантириш, минтақавий ва минтақалараро етказиб бериш занжирларини яратиш, трансчегаравий савдо зоналарини ривожлантириш, транспорт-иқтисодий йўлакларни кенгайтириш ҳамда транспорт, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини қайд этади. Минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, мавжуд механизмларни мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг барқарорлиги ва амалий самарадорлигини таъминлаш муҳимлиги ургуланади.

Президентимиз алоҳида қайд этганидек, самарали минтақавий институтларсиз тизимли ривожланишга эришиш ва биргаликда қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш имконсиз. Экологик ҳамкорликка, жумладан, иқлим ўзгаришига мослашиш, трансчегаравий сув ресурслари ва биохилма-хилликни сақлаш бўйича қўшма ташаббуслар, шунингдек, “яшил” энергетика ва паст углеродли технологияларга ўтишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Марказий Осиё барқарор экологик ривожланиш минтақасига ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабат намунасига айланиш салоҳиятига эга.

Бундан ташқари, Президентимиз Марказий Осиё давлатлари ўртасида келишилган ташқи сиёсий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Геосиёсий барқарорлик қучайиб бораётган ва жаҳон куч марказлари ўртасидаги рақобат ўсиб бораётган шароитда минтақанинг халқаро майдондаги позицияларини мувофиқлаштириш барқарорликни сақлаш ва умумий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асосий омиллига айланмоқда. Шу асосда давлатимиз раҳбари асосий ҳамкорлар билан прагматик алоқаларни ўрнатишда самарадорлигини исботлаган “Марказий Осиё +” ҳамкорлик формати янада ривожлантириш зарурлигини билдирди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ташқи сиёсати, айниқса, янги минтақавий дипломатияси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ҳар томонлама муҳофиза қилишга имкон беради. Марказий Осиё “юраги”да жойлашган, минтақанинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга ягона давлат — Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт даврини умумий ривожланиш асосида минтақадан айро тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан янги минтақавий ўзига хослик шаклланимоқда. Марказий Осиё минтақаси тинчлик ва фаровонликнинг янги даври остонасида турибди. Ўзбекистоннинг бу жараёндаги ролини бутун дунё диққат билан кузатмоқда.

Юнус БҶОНОВ,
“Аз Ҷумҳурии Тоҷикистон”

Нуқтаи назар



Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавхали мақоласини мутолаа қилар эканман, унда баён этилган фикрларнинг кенг қамрови, минтақамизнинг бугунги ҳолати ва келажак истиқболи юзасидан берилган аниқ таҳлиллар мени ўйга толдирди, бир вақтнинг ўзида илҳомлантирди. Мақола кўз ўнгимда Марказий Осиёнинг эртанги тақдирига бефарқ бўлмаган зиёли масъулияти, халқимиз манфаатлари учун қайғуриш, яқин кўшнилар билан ўзаро ишончини тиклаш йўлидаги қатъий сиёсий ироданинг ёрқин ифодаси баёни ўлароқ намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда минтақамизда шаклланаётган яхши қўшничилик, тенглик ва ўзаро ҳурматга асосланган “Янги Марказий Осиё” сиёсати сўнгги йилларда биз гувоҳ бўлаётган реал ўзгаришларнинг энг асосий таянчидир. Мақолада мазкур жараённинг ички мантиси, тарихий илidlизлари ва келажак йўналиши чуқур таҳлил қилинган.

Шахсан мен таълим ва илм-фан соҳаси вакили сифатида мақолада илгари сурилган фикрларнинг таъсирчанлиги ва долзарблигини чуқур ҳис қилдим. Зеро, бугун Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар нафақат сиёсатчилар ёки экспертлар доирасидаги мавзу, балки ҳар бир зиёли, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ёш авлод вакили учун бевосита тааллуқли бўлган тарихий бурилишдир.

Ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити

Кейинги йилларда Марказий Осиё энг фаол сиёсий даврларидан бирини бошдан кечирмоқда. Тарихий жараёнларни чуқур таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, минтақа бир пайтлар тарқоқлик, эҳтиёткорлик ва ички низолар таъсири остида бўлган муҳитдан мутлақо янги босқичга ўтмоқда. Бу босқичнинг асосий белгилари ўзаро ишонч, яхши қўшничилик тамойиллари ва прагматик ҳамкорлик руҳида мужассам.

Президентимиз илгари сураётган халқчил ғоялар айнан шу жараённинг илмий-сиёсий асосини ташкил этади. Шу маънода, илғаш

КЎЗГҮ

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВЛАРИ — ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Тарихнинг ҳар бир даврида шундай бурилиш нуқталари бўладик, улар келажак ўн йилликлар тақдирини белгилаб беради.



Дилшод РУСТАМОВ, филология фанлари доктори

Албатта, мазкур фикрлар замирида чуқур мазмун мужассам. Мустақилликнинг дастлабки йилларида турли сабабларга кўра етарли даражада ривожланмаган мулоқот бугун ўзининг энг конструктив босқичига кирди. Айнан мана шу ишонч Марказий Осиёда янги сиёсий уйғонишнинг бошланишига сабаб бўлди. Қисқа давр ичида давлатлар бир-бирига шубҳа билан қараш муҳитидан манфаатлар уйғунлигига асосланган ҳамкорлик моделига ўтишга муваффақ бўлди.

Бугун Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар нафақат сиёсатчилар ёки экспертлар доирасидаги мавзу, балки ҳар бир зиёли, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ёш авлод вакили учун бевосита тааллуқли бўлган тарихий бурилишдир.

ҳамкорлик кўпригига айланди”, дея таъкидлади.

Шу билан бирга, сув-энергетика тармоғи бўйича ҳамкорликда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бергани ҳам қайд этиб ўтилди. “Сув-энергетика соҳасида ҳам принципал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда... Бу қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин далилидир”, деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё сув захиралари бўйича мураккаб минтақа. Дарё ҳавзалари умумий, лекин давлатларнинг эҳтиёжлари турлича. Шундай шaroитда барча учун манфаатли келишувга эришиш осон иш эмас. Қамбарота ГЭС-1, Зафаробод ГЭС лoйиҳалари, Қайроққум сув омборини бошқариш бўйича келишувлар минтақанинг энг нозик соҳаларидан бирида юзага келган ишончнинг реал тасдиғидир. Бу каби ютуқларни ҳеч иккиланмай экологик барқарорлик, энергетик хавфсизлик ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлида қўйилган тарихий қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Иқтисодий интеграция: рақамлар ортидаги асосий маъно

Ўтган саккиз йиллик иқтисодий кўрсаткичлар Марказий Осиёдаги ҳамкорлик самарадорлигини яққол кўрсатади. ЯИМ 2,5 баробар, ўзаро савдо 2 баробар кўпайгани, қўшма инвестицияларнинг қўшилган қиймати кескин ошгани ортида янги лoгистика йўлаклари, янги саноат тармоқлари, соддалаштирилган тартиблар ва албатта, ўзаро ишонч муҳити турибди. Ушбу рақамлар минтақа интеграциясининг қанчалик реал эканини тасдиқлайди. Худудлараро савдо кенгайиши, лoгистика йўлаклари ривож, автомобилсозлик, энергетика, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалигида қўшма лoйиҳалар кўпайиши Марказий Осиёни битта иқтисодий маконга айлантириш йўлидаги асосий босқичлар саналади.

Камолот пиллапояси

“РАҚАМЛИ АВЛОД ҚИЗЛАРИ”

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРДАН “АҚЛЛИ” ЕЧИМЛАРГАЧА

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бугун инновацион рақамли платформалар, ностандарт стартаплари ортидан хорижа таълим саёхатига бориб келаётган қизларга кўпчилик ҳавас қилади. “Қизим АТ соҳасига қизиқади. Шу йўналишдаги танловларда қатнашиш учун қаерга, кимга мурожаат қилишимиз керак?” деган саволлар кўпайиб қолгани сабаби ҳам шунда. Бундай салоҳиятли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрнатилаётган тадбирлардан бири — “Рақамли авлод қизлари” республика танлови.

Хозирга қадар танловда 100 мингдан ортиқ қиз иштирок этиди. Йилдан йилга лoйиҳалар кўлами, стартаплар савиясида ўсиш кузатиляпти. Қизларнинг таълим, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт ва иқлим ўзгариши каби йўналишлардаги фаоллиги ортиб бораётганини глобаллашув муҳити билан боғлаш мумкин. Қолаверса, мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бора-сидидаги тизимли ишлар ҳам қатъий назоратда. Уларга янги имкониятлар яратиб бериш мақсадида қонунчиликда қатор имтиёзлар назарда тутилган. Хусусан, “Рақамли авлод қизлари” лoйиҳаси орқали хотин-қизларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги ролини ошириш, уларни замонавий касбларга йўналиштириш ҳамда ишлаб чиқилган ғоя ва лoйиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган.

Ортдошларимиз билан бир қаторда соҳага қизиқувчи хорижлик ўқувчилар ҳам қатнашиб келаётгани танловнинг нуфузи янада ортишига хизмат қилляпти. Жумладан, БАА, Афғонистон, Озарбайжон, Иордания ва Хитой вакиллари ўз лoйиҳаларини тақдим этган. Ўтган даврда иштирокчилар томонидан 400 дан ортиқ лoйиҳа ишлаб чиқилган. Қўвонарлиси, чекка-чекка қишлоқларда ҳам рақамли дунёда ўз ўрнини топаётган қизлар

моқда, ғояларини рақамли ечимларга айлантиряпти. Бу ёшларнинг фаол, масъулияти ва ижодкор авлод сифатида шаклланаётганининг исботидир. Бизнинг асосий вазифамиз — қизларимизга рақамли соҳада ўқшш, ижод қилиш ва ривожланиш учун қўлай шарoит яратиш, уларнинг ҳар бир ғоясини қўллаб-қувватлаш. Чунки рақамли тафаккурга эга киши ўзгаришлар бунёдкори, инновациялар илҳомлантирувчиси ва келажакнинг рақамли етакчисидир, — деди Ҳотамбек Бозоров.

“Яшил” иқтисодиёт йўналишига доир стартап лoйиҳаси билан эътиборга тушган андижонлик Робия Соҳибжoнoва танловнинг 2021 йилдан буюн замонавий касб йўлидаги қизларни бир саҳнада жамлаётган катта майдонга қисъслади.

— Сунъий интеллект ёрдамида биологияни ўрганмоқчи бўлган ўқувчилар учун Биология инновацион платформасини ишлаб чиқдик. Чунки дарсларни офлайн ўрганишга ҳамиша ҳам шарoит бўлавермайдди. Шунингдек, кўнгилдагидек онлайн дарсларни топиш қийин. Платформамиз орқали ўқувчилар дарсларни ўрганиб, билимларини синаб кўра олади. Эътиборлиси, бунда виртуал лабораториялардан фойдаланиш мумкин. Айни шу жиҳати учун ҳам лoйиҳамизга кўпчилик қизиқиш билдириляпти, — деди танловнинг яна бир иштирокчиси Мадина Даминова.



Маълумотларга кўра, дунёда 430 миллион киши эшитиш билан боғлиқ муаммо туфайли азият чекади. Ўзбекистонда эса 30 мингдан ортиқ инсон сурдотаржиммага муҳтож. “LOLA AI” лoйиҳаси бу эҳтиёжни сунъий интеллект ёрдамида бартараф этишга хизмат қилади. АҚШ ва Россияда бу лoйиҳадан аллақачон фойдаланилмоқда. Энди уни мамлакатимизда ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилляпти.

— Ўзбекистонда 2016 йили тактил алифбoи автоматлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Уша маълумотларга таяниб, биринчи модулни ишлаб чиқдик. Тезлиги паст бўлса-да, алифбoдаги барча ҳарфни таниб олган. Ҳозирги моделга эса 300 дан зиёд таъсир, алифбo ва кундалик қўлланадиган иборалар киритилган. Кейинчилик 70 мингдан ортиқ таъсирга мослаштиришни режалаштирганмиз. Платформанинг белгилари ва барча oвозни тўғри таржима қилиши асосий ютуқларимиздан бири бўлади, — дейди интилувчан қиз.

Ҳа, бу каби мукаммал ғoя билан бошланган лoйиҳалар жуда кўп. Улар тақдимотида қатнашсангиз, базис ўринларда қизларнинг бетакорр ғoялари, илмий салоҳиятидан ажаблანасиз. Муваффақият йўлини жуда эрта босиб ўтаётган нозик хилқат вакилларига ҳавас қиласиз. Зеро, Чарос сингари ёш изланувчилар тажрибали экспертлар, профессорлардан маслаҳатлар, маълумотлар олади. Хусусан, “LOLA AI” юзасидан ҳам сунъий интеллект бўйича мутахассислар, тахрибали дастуричлар

билан мулоқот қилинган, сурдотаржимонлар билан маслаҳатлашилган. Ёшлар ишлари агентлиги эса бу каби лoйиҳаларни қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам қўрсатляпти. Чарос ишлаб чиққан платформа хозирча синов жараёнида. Муваффақиятли деб топилса, оммавий фойдаланиш учун амалиётга таъбиқ этиляди.

— Оромгоҳларда бўлганимда имконияти чекланган тенгдошларимни кўриб, уларнинг муаммоларига ечим топишга қарор қилганман. Кейинроқ ниятимни сунъий интеллект ёрдамида амалга ошириш ғoяси туғилди. Сунъий интеллект билан эса бирдан ишлаб кетиш қийин, оsonроқ ишлардан бошлаш керак. Ўзим ҳам дизайндан бошлаганман. Шунингдек, ахборот технологиялари қизлар учун қўлай соҳа. Ҳеч қандай жисмоний куч талаб қилинмайдди. Жой танламайдди, дарoмадли, масoфавий ишлаш ҳам мумкин, — дейди Чарос Ҳакимова.

Бундан 3–4 йил аввал ҳам рақамли технологиялар борасида хотин-қизларнинг иштироки камлиги ва бунга ечим топиш хусусида кўп гапириларди. Ўз вақтида йўлга қўйилган тадбирлар бугунга келиб қизларимизни нафақат республикамиз, балки дунё миқёсида ҳам танитишга хизмат қилляпти. “Рақамли авлод қизлари” танловида муваффақиятли қатнашган, соҳанинг ичига кириб бoраётган Мадина Намoзoва айни пайтда Мафъoлагача ва мактаб таълими вазирлигининг нуфузли бошқарма-сида етакчи мутахассис сифатида ишляпти.

— Бугун барча худудда “Рақамли авлод қизлари” координаторлари фаолият юриляпти. Жорий йилги танловда 2000 дан ортиқ лoйиҳа вилoят бoсқичига ўтказилди. Республика бoсқичида ғoлиб бўлган қизлар БАА ва АҚШда таълим саёхатида бўлади. Улар диққатга сазовор шахарларни кўриш барoбарида ушбу давлатлардаги нуфузли олийгоҳларнинг таълим жараёнлари билан ҳам танишади. Бу жамиятимизда АТга қизикётган қизларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Жорий йил Ёшлар кунида Президентимиз лoйиҳа билан яқиндан танишиб, бизга бир қанча вазифа ва топиширлар берди. Шундан келиб чиққан ҳолда қизларнинг кўниким ва билимини янада оширишни мақсад қилдик, — дейди Мадина Намoзoва.

Ҳа, “Рақамли авлод қизлари” танлови шунчаки беллашув, номигагина иштирок эмас, балки янги рақамли тафаккурга эга ёш аёл-қизларни тарбиялoётган кент қамровли таълимий ва ижтимоий лoйиҳа экани билан қийматли.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

